

---

## РЕФЕРЕНДУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

2-Касб-хунар мактаби фаоллар залида тумандаги ўрта махсус таълим муассасалари ходимлари, педагог устозлар иштирокида жорий йилнинг 30 апрел куни ўтказиладиган Умумхалқ референдуми ҳамда янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳияти тарғиботи бўйича семинар ўтказилди. Тадбирда туман ҳокимининг ўринбосари А.Исломов, Халқ депутатлари Олтиариқ туман Кенгаши котибияти мудирини ў.Отабоев, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати А.Набиев, Саноат техникуми директори У.Жомиевлар сўзга чиқишиб, Конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, Конституция янгиланишига сезилган зарурат каби муҳим масалалар юзасидан тушунчалар бердилар.



2023-03-24 17:43:43